

# **Геохронология. Ер пустининг ривожланиш тарихи тугрисидаги асосий маълумотлар.**

## **Геологик хариталар ва кесимлар**

**Режа:**

- 1. Ер пустининг геологик тарихини урганиш усувлари.**
- 2. Геологик хариталар ва киркимлар**

Ер пусти хосил булган вактидан бошлаб унинг ривожланиш тарихи ва конуниятларини *тарихий геология* фани урганади. *Тарихий геология* фанининг асосий вазифаларидан бири тог жинсларини, хосил булиш вакти буйича тартибга келтириб геологик ходисаларнинг содир булиш тартибини урнатиш (*геохронология*) дан иборатдир.

*Геохронология нисбий ва мутлак турларга булинади.* *Нисбий геохронология* тог жинслари хосил булишининг ва геологик ходисаларнинг нисбий узлуксизлигини, *мутлак геохронология* эса, у ёки бу геологик ходисалар ва тог жинслари качон хосил булганлигини аниклашга ва вакт бирлигига ифодалашга имкон беради. *Шунга мувофик тог жинсларининг нисбий ёшини аниклашнинг бир неча усуllibар мавжуд.*

*Стратиграфия усули* тог жинсларининг нисбий ёшини аниклаш учун уларнинг катламланиш тартибининг кетма-кет, узлуксиз содир булишига асосланади, яъни хар бир остики катлам ундан юкорида жойлашган катламга нисбатан кадимиий хисобланади

*Петрографик усул* тог жинсларининг минерал таркибини урганишга асосланади. Агар геологик кесимларда бир хил минерал таркибга, структурага, текстурага, хосил булиш шароитига эга булган жинслар кузатилса, (масалан, охактош юкорисида гиллар, гиллар устида алевролитлар ва х.к.) бу тог жинсларини бир вактда (бир тарихий даврда) хосил булган деб хисоблаш мумкин.

*Палеонтологик усул.* Бу усул Ернинг геологик тарихи органик хаётнинг ривожланиши билан параллел ривожланган деган илмий тушунчага асосланади. Шунинг учун тог жинслари таркибида органик хаётнинг изи турли тошга айланиб колган хайвон ва усимлик колдиклари куринишида сакланиб колади. *Геофизик усуллар* тог жинслари хар хил физик хоссаларга (зичликга, электр каршилигига, радиоактивликга) эга эканлигига асосланади. *Жинсларнинг ёшини аниклаш* учун *электро каротаж* ва *гамма каротаж* усулларидан фойдаланилади.

*Электрокаротаж усулида* тог жинсларининг электр токига булган солиштирма каршилиги, *гамма каротажда* табий радиоактивлиги улчанади.

Ернинг геологик тарихидаги хар бир давр, шу давр учун хос булган турли организм турлари билан характерланади. Бунда хар бир давр утган даврга нисбатан юкори ривожланган янги организм гурухлари билан фарқ килади.

Магматик тог жинсларининг нисбий ёши, улар билан чукинди тог жинслари орасидаги муносабатга караб аникланади. Тог жинсларининг мутлак ёшини аниклаш яъни, унинг ёшини вакт бирлиги ичida ифодалаш учун хозирги вактда радиологик усуллар кенг кулланилади. Радиологик усулларга уран-кургошинли, уран-гелийли калий-argonли, рубидий-стронцийли, углеродли ва уран-ионийли усуллар киради.

Бу усулларнинг асосига, элементларнинг радиоактив парчаланиши доимий тезликда содир булиши ва бу жараён хеч бир таъсир натижасида узгармаслиги асос килиб олинган. Одатда радиоактив элементнинг ярим кисми парчаланиб тургун изотоп хосил килган-ярим парчаланиш даври, вакти аникланади. Хозирги вактда тог жинсларининг мутлак ёшини аниклашда калий-argonли усулдан кенг фойдаланилаяпти.

Организм ва усимлик колдикларини урганиш ва тарихий геологиянинг бошка усуллари асосида Ер пустида хозир мавжуд булган ёткизиклар катор йирик стратиграфик бирликлар - жинс гурухларига булинади.

*Гурухлар - тизимларга, тизимлар - булимларга, булимлар - каватларга, каватлар эса минтакаларга булинади.*

Хар бир булинган стратиграфик бирлик хосил булиш вакти билан биритирилади. Шунда гурухга-эра, тизимга-давр, булимга -эпоха, каватга -аср, минтакага-вакт тугри келади

Эралар (гурху) номи	Белги си	Даврлар, тизим номи	Белгиси	Эпоха (аср) номи	Белгиси	Органик дунё	Утган вакти млн.йил
1	2	3	4	5	6	7	
К А Й Н О З О Й	K <sub>z</sub>	Антропоген (туртламчи) давр	Ap(Q)	Хозирги замон Юкори антропоген Урта антропоген Куйи антропоген	Ap <sub>4</sub> Ap <sub>3</sub> Ap <sub>2</sub> Ap <sub>1</sub>	Бу давр бошларида ерда одам пайдо булади. Хозирги замон усимилик ва хайвонот дунёси тараккий этади. Сут эмизувчилар, күш, балик ва хашоратлар ривожланади.	1,5-2
		Неоген	N	Плиоцен Миоцен	N <sub>2</sub> N <sub>1</sub>	Усимиликтарда ёпик уруглилар, хозирги замондагига якин хайвонлар келиб чикади ва ривожланади. Одамсимон маймунлар, умурткасизлардан- пластинка жабралилар, кориноёклилар ривожланиш мүмкін.	10-10,5 14
		Палеоген	P	Олигоцен Эоцен Палеоцен	P <sub>3</sub> P <sub>2</sub> P <sub>1</sub>	Оддий сут эмизувчилар ривожланади ва неогенга якинлашганда улади. Умурткасизлардан фораминиферлар, нуммулитлар, пластинка жабралилар, молюскалар (пелеципод), кориноёклилар ва бошкалар денгизда яхши тараккий этади.	11 23 7
М Е З О З О Й	M <sub>z</sub>	Бур	K	Юкори бур Куйи бур	K <sub>2</sub> K <sub>1</sub>	Ёпик уруглилар пайдо булади. Даврнинг иккинчи ярмида судралувчиларнинг бир кисми, пепитилий аммонит ва белемнитларнинг хаммаси кирилиб кетади.	70
		Юра	J	Юкори юра Урта юра Куйи юра	J <sub>3</sub> J <sub>2</sub> J <sub>1</sub>	Бу даврда судралиб юрувчилар, сувда аммонит ва белемнитлар ривожланади. Гинколар усади.	58
		Триас	T	Юкори триас Урта триас Куйи триас	T <sub>3</sub> T <sub>2</sub> T <sub>1</sub>	Судралиб юрувчилар тараккий этади. Сувда ва куруклиқда күшлар пайдо булади. Сут эмизувчиларнинг биринчи намунаси пайдо булади.	45
П А Л Е О З О Й	P <sub>z</sub>	Перм	P	Юкори перм Куйи перм	P <sub>2</sub> P <sub>2</sub>	Тошкумир даврида усимиликтар урнини цикодалар эгаллайди. Судралиб юрувчилар ривожланади. Умурткасизлардан-аммонитлар (цератитлар брахиоподалар) тараккий этади.	45
		Тошкумир	C	Юкори тошкумир Урта тошкумир Куйи тошкумир	C <sub>3</sub> C <sub>2</sub> C <sub>1</sub>	Тез усувчи сербаргли дарахтсизон усимиликтар, плауналардан-лепидоден дронлар ва сигилар, бугимлилардан-калатиллар, кордиадлар ривожланади. Сувда курукда яшовчилар ривожланади. Хашоратлар пайдо булган. Умурткасизлардан-брахиоподалар, фороминифер, гониатетлар ва игнатанлилар ривожланади.	55-75
		Девон	D	Юкори девон Урта девон Куйи девон	D <sub>3</sub> D <sub>2</sub> D <sub>1</sub>	Псилофитлар хукмронлик килган папоротникларнинг кадимги авлоди пайдо булган. Калконли баликлар яшайди. Сувда, курукда яшовчи стогоцефал пайдо булган. Умурткасизлардан-брахиоподалар, маржонлилар, бошоёклилар, молюскагонатилар яшайди.	50-70
		Силур	S	Юкори силур Куйи силур	S <sub>2</sub> S <sub>1</sub>	Псилофитларнинг ривожланиши давом этган. Умурткасизлардан янги группа бошоёклилар, молюска, брахиоподалар бекисоб яшаган.	30
		Ордовик	O	Юкори ордовик Урта ордовик Куйи ордовик	O <sub>3</sub> O <sub>2</sub> O <sub>1</sub>	Калконли баликларнинг биринчи намунаси пайдо булган.	60
		Кембрий	ε	Юкори кембрий Урта кембрий Куйи кембрий	ε <sub>3</sub> ε <sub>2</sub> ε <sub>1</sub>	Сув усимиликтери ва бактериялар купайган ва ривожланган. Куруклиқда усувчи энг оддий усимиликтар-псилофитлар пайдо булган. Умурткасизлардан-трилобитлар (бугинойёклилар) ва археоциатлар яшаган.	70
Прот- ерозой		Факат махаллий булинишларга эга			R <sub>3</sub>	Содда сув усимиликлари, бактериялар ва умурткасиз хайвонлар колдигининг ёмон сакланган намуналари учрайди.	600-800
Архео- з		Факат махаллий булинишларга эга			AR	Бошлангич органик дунё шаклларининг изи учрайди.	1000 дан

# Геохронологик жадвал

Эралар	Даврлар	Белги
Архей AR	Архей	AR
Протерозой PR	Протереозой	PR
Палеозой Pz	Кембрий	Є
	Ордовик	O
	Силур	S
	Девон	D
	Тошкумир	C
	Перм	P
Мезозой Mz	Триас	T
	Юра	I
	Бур	K
Кайнозой Kz	Палеоген	ρ
	Неоген	N
	Туртламчи	Q


**МЕЖДУНАРОДНАЯ СТРАТИГРАФИЧЕСКАЯ ШКАЛА**  
 (Международный кодекс по стратиграфии, 2004-2006)


Эонотема Эон	Эратема Эра	Суб-эра	Система Период	Отдел Эпоха	Возраст (миллионы лет)
Докембрий	ПРОТЕРОЗОЙ	Четвертичная	Неогеновая (23.0 млн)	голоцен	0.0118
				неоплейстоцен	
				эоплейстоцен	0.820
				плиоцен	1.8
				миоцен	5.3
			Палеогеновая (42.5 млн)	олигоцен	23.0
				зоцен	33.9
				палеоцен	55.8
			Меловая (80.0 млн)	верхний	65.5
				нижний	
				верхний	145.5
			Юрская (54.1 млн)	средний	
				нижний	199.6
				верхний	
АРХЕЙ	АРХЕЙ	Третичная	Триасовая (51.4 млн)	средний	
				нижний	251.0
				пермская (48.0 млн)	
			Каменно-угольная (60.2 млн)	полинжианский	
				гваделупский	
				сизуральский	299.0
			Девонская (56.8 млн)	верхний	
				средний	
				нижний	359.2
			Силурийская (27.7 млн)	пржидольский	
				лудловский	
				венлокский	
			Ордовикская (44.6 млн)	пландоверийский	
				верхний	416.0
				средний	
			Кембрийская (53.7 млн)	нижний	443.7
				фуронжианский	
				третий	
				второй	488.3
				первый	
					542.0
					Нижняя граница не установлена


Цифры в скобках указывают продолжительность эр и периодов

ГЕОХРОНОЛОГИЧЕСКАЯ  
ШКАЛА

	ЭРА	ПЕРИОД	МЛН. ЛТ
ФАНЕРОЗОЙ	Кайнозойская	ЧЕТВЕРТИЧНЫЙ	1,8
		НЕОГЕНОВЫЙ	23,8
		ПАЛЕОГЕНОВЫЙ	65,0
	Мезозойская	МЕЛОВОЙ	142
		ЮРСКИЙ	205
		ТРИАСОВЫЙ	248
		ПЕРИМСКИЙ	290
	Палеозойская	КАМЕННОУГОЛЬНЫЙ	354
		ДЕВОНСКИЙ	417
		СИЛУРИЙСКИЙ	443
		ОРДОВИКСКИЙ	495
		КЕМБРИЙСКИЙ	534
		ВЕНЦДСКИЙ	650
		РИФЕЙСКИЙ	1650
КРИПТОЗОЙ	Протерозойская	КАРЕЛЬСКИЙ	2500
		АРХАНГЕЛЬСКАЯ	3500
	ЮГАР-ХЕЙСКАЯ		4500







## Геологик хариталар ва киркимлар


Геологик харита ер пустининг геологик тузилиши тугрисидаги бизнинг билимларимизни жамлаб акс этдирадиган асосий чизма хисобланади.

Геологик харита деб, маълум бир майдоннинг геологик тузилишини топографик асосда, кичрайтирилган масштабда, горизонтал юзада шартли белгилар ва индексларда тасвирлайди.


Геологик хариталар мазмуни жихатидан бир неча турли литологопетрографик, структуравий-тектоник, палеогеографик, геоморфологик гидрогеологик ва инженер-геологик турларга булинади.

Геологик харита ерларнинг умумий геологик тузилишининг режадаги тасвиридир. Улар ер юзида таркалган туб тог жинсларининг кичрайтирилган тик проекцияси хисобланади. Туб тог жинслари деярли бутун юзаси билан юпка кобик куринишида туртламчи давр ёткизиклари билан копланганлиги учун улар харитада курсатилмайди.

Хариталарда тог жинсларининг таркалиши чегаралари чизикларда, ёшлари ранглар ва шартли белгиларда, таркиблари эса турли чизиклар ёрдамида курсатилади. Булардан ташкари геологик хариталарга тектоник ёриклар, узилишлар, катламларнинг ётиш элементлари ва бошкалар туширилади.



*a*



*b*

<i>h, м</i>		<i>Абс. отм., м</i>
30		1070 Известник-ракушечник
110		980 Глина с прослойками мергеля
50		910 Песчаник
30		880 Красная глина
30		850
50		800 Черная глина
45		755 битуминозный известник

*c*

Рис. 29. Пример геологической карты с горизонтальным залеганием слоев (по Н. И. Буялову):  
*a* — геологическая карта; *b* — вертикальный разрез по АД и ВБГ; *c* — стратиграфическая колонка отложений с обозначением последовательности слоев и мощности *h* всех отложений

Геологик хаританинг мукаммаллиги ва аниклиги уларнинг масштаби билан масштаб эса утказилган геологик съёмканинг масштабига караб танланади. Хариталарнинг масштаби ерларнинг геологик тузилишининг мураккаблигига ва ундан кузланган максадга караб белгиланади.

Геологик хариталар масштабига ва тайинланиш максадига кура турт турга булинадилар:

1. Кичик масштабли хариталар, масштаби I:500000 ва унданкичик. Бундай хариталарда катта майдоннинг (масалан, Марказий Осиёning) умумий геологик тузилиши тасвирланади;
2. Урта масштабли хариталар, масштаби I:200000 ва I:100000. Бундай хариталарда айrim маъмурий ёки географик худудларнинг геологик тузилиши курсатилади (масалан, Фаргона водийси);
3. Йирик масштабли хариталар, масштаби I:50000 ва ундан катта. Бу масштабдаги хариталарда хужалик максадларида узлаштириш учун ахамиятга эга булган айrim туманларнинг геологик шароитлари тасвирланади;
- 4.Махсус ёки аник масштабли хариталар. Бундай хариталарда йирик гидротехник иншоот курилиш майдонининг ёки сугориш массивининг геологик шароити тулик курсатилади. Геологик кесимлар ер пустининг юкори кисмида жойлашган катламларнинг жойланиш тартибини тик кесимда юзада тасвирловчи чизмадир. Кесимлар одатда маълум ахамиятли йуналишлар буйича, маълум чукурликкача тузилади. Кесимлар геологик хариталардан, бургилаш кудукларидан фойдаланиб тузилиши мумкин.

Геологик кесимлар харитадан фойдаланиб тузиладиган булса худуднинг геологик тузилишида катнашадиган тог жинсларининг ётиш шароитини тулик акс эттирадиган йуналиш буйича тузилади. Кесимларнинг горизонтал ва вертикал масштаблари куп холларда харитага мос келиши керак. Геологик хариталар ва кесимлар дала шароитида олиб бориладиган геологик съёмка асосида тузилади ва унинг натижасида тог жинсларининг таркалиши, ётиш шароити ва таркиби, улар орасидаги чегаралар хамда бу жинсларнинг ер юзига чикган майдонлари аникланади.

*Геологик съёмка ишлари одатда учта боскичда олиб борилади: тайёргарлик куриш даври, дала ишлари, дала ишлари натижаларини кайта ишлаш ва тартибга келтириш даври. Тайёргарчилик куриш даврида иш олиб боришни ташкил килиш лойихаси тузилади, геологик партия ташкил килинади ва керакли ускуналар ва жихозлар билан таъминланади, топографик харита ва аэрофотосъёмка маълумотларидан кучирмалар тайёрланади, иш тумани буйича геологик маълумотлар йигилган фонд маълумотлари ва илмий адабиётлар урганиб чикилади. Дала ишларининг утказиш даврида аввало иш олиб бориладиган худуд билан танишиб чикилади, асосий геологик съёмка ишлари утказилади ва дала ишлари нихоясида утказилган барча ишлар натижасининг узаро боғликлиги текшириб чикилади, сунгра эса дала ишлари натижасида олинган барча дала маълумотлари кайта ишлаб чикилади.*

Натижада турли картографик чизмалар чизилади ва геологик хисоботнинг ёзма матни тайёрланади. Маршрутларда олиб борилган кузатув ишларининг натижаси топографик асосга туширилади ва бу маълумотлар кайта ишланиб харита тузилади. Кузатув объектлари булиб тог жинсларининг очик ерлари хизмат килади ва уларнинг чизмаси чизилиб, таркиби ва ётиш холати урганилади. Майдон буйлаб съёмка, унинг масштаби I:200000 - I: 25000 булган холларда утказилади. Бундай шароитда съёмка килинаётган бутун майдон геологик тузилишининг мураккаблиги даражасига караб турли зичликда кузатиш нукталари билан копланади (бург кудуклар, шурфлар, канавалар). Булардан ташкари маршрутлар белгиланиб кузатув ишлари олиб борилади.

Агар худуддаги туб тог жинслари куп ерларда очилмаган булса геологик чегараларни утказиш учун казиш ишлари (канава - ура шурф, бургилаш кудуги) бажарилади. Туртламчи давр ёткизиклари катта ахамиятга эга булганлиги учун туртламчи давр ёткизиклари харитаси тузилади ва унда ёткизикларнинг хосил булиши, ёши ва таркиби курсатилади.

Демак геологик хариталарда тог жинсларининг таркалиш чегаралари, таркалиш майдонлари, таркиблари, ётиш шароитлари, турли тектоник ва бошка элементлари горизонтал юзада кичрайтирилган масштабда турли ранг, штрих ва шартли белгиларда тасвирланади.